



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 154 (9.957)

2003 ЙИЛ 7 АВГУСТ

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

XVІ сароси
Барча мамбалардан олинган сўнги хабарлар



САМАРҚАНД, 6 август (ЎзА махсус мухбирлари Анвар Бобоев, Акбар Қаршиев).

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ҳамкорлик истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди.

Россия томони Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатларимиз икки томонлама асосда ҳамкорликни ривожлантириш баробарида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалар доирасида ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саз-ҳаракатларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин, Россия ҳукумати-га раҳбар бўлган кезлари ҳам, Президент сифатида ҳам илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. Бу унинг юртимизга учинчи ташрифи. В.Путиннинг ташаббуси билан Президент Ислам Каримовнинг 2001 йилнинг майдаги Россия сафарига давлат ташрифи мақоми берилган эди.

Бундай самиямга ва эътибор икки мамлакатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши кучли эканлигига яна бир далил бўлди.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий алоқаларидан ҳам ҳамкорлик даражаси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин Президентлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятларимиз даражасида эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳиятини имкон қадар тўла ишга солиш мақсадида икки мамлакат раҳбарлари савдо-

иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия таркибининг янгилашга келишиб олди. Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, янгиланган комиссиянинг илк мажлиси шу йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасидаги алоқалар десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ёки ўхшаш. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва курол-яроғ контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқда.

Президентлар журналистлар билан учрашувда бу гали музокара ҳам жуда кенг қамровли бўлганини таъкидлади. Ислам Каримовнинг айтишича, суҳбатнинг бирор мавзусини устувор этиб белгилаш қийин бўлса-да, уни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, табиийки, иқтисодий муносабатлар юзасидан бафуржа фикр алмашилган. Хусусан, нефт-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи муҳокима этилган.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрида «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси билан Россиянинг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти ўртасида «Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланган эди. Унга биноан Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қилинади. Президентлар бу соҳадаги ҳамкорликни сифат ва ҳажми жиҳатидан янги поғонага кўтаришга келишиб олганини маълум қилди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин тўқимачилик, энергетика машинасоз-

лиги, сув ҳўжалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўплигини таъкидлади. Масалан, Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита олмайди. Шу боис бу борада ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратишга келишиб олинди.

Ислам Каримовнинг билдиришича, мулоқот давомида икки томонлама манфаатли кўтлаб келишувларга эришилган. Ҳукуматлараро қўшма комиссия эса ана шундай сифатли амалиётга таъбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юкланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, икки мамлакатнинг ҳам тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса комиссия хўжалик субъектларининг лоббистига айланиши, яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти қилинган натижани беради.

Владимир Путиннинг айтишича, ўзаро ҳамкорликдан иккала мамлакат халқлари учун ҳам манфаатдорлик мавжуд. Ҳукуматлараро қўшма комиссия эса ана шундай сифатли амалиётга таъбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юкланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, икки мамлакатнинг ҳам тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса комиссия хўжалик субъектларининг лоббистига айланиши, яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти қилинган натижани беради.

Владимир Путин Ислам Каримов ҳамроҳлигида қадим Самарқанддаги тарихий обидаларни — Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улугбек расадхонасини томоша қилди. Рус правласида черковиди бўлди.

— Самарқандда биринчи марта келишим, — деди Россия Президенти. — Шаҳарнинг тарихий обидалари гоё ҳайратланарли, бетакрор. Ниҳоятда бой таасурот билан қайтмоқдаман. Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳонисига етди.

СУРАТДА: учрашув пайти.

Абдувоҳид Тўраев ва Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимизда

- Мамлакатимизда илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, галлачилик соҳасида тарихий маррага эришилгани муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов юртимиз галлакорларига табрик йўллади.
- Ўзбекистон Республикаси Чегараларни кўриқлаш қўмитасининг Оқтош ўқув марказида «Ватан ҳимоячиси — 2003» ҳарбий-ватанпарварлик оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.
- «Пахтабанк»нинг Бухоро вилояти бошқармаси жамоаси Абдуҳолик Ғиждивоний таваллудига 900 йил тўлиши муносабати билан хайрия мақсадларида, шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини янгилаш учун 20 миллион сўм ажратди.
- Зангиота туманидаги «Пластикс» хусусий корхонасида Италиянинг замонавий асбоб-ускуналари ва технологиялари ёрдамида полиэтилен идишлар ва плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида корхонада 1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг 70 минг АҚШ долларлик қисми хорижга экспорт қилинди.
- Навоийдаги «Электр-кимёзаводи» жамияти қўшма корхонасида бир неча турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, Германиянинг «BASF» фирмаси технологияси асосида тайёрланган «STOMT» гербициди деҳқонларга жуда қўл келмоқда.

Жаҳонда

- АҚШ Президенти Ғарбий Африка мамлакатлари тинчликпарвар кучларига техник кўмак кўрсатиш мақсадида Либерияга АҚШнинг кичик ҳарбий контингентини жўнатиш режасини маъқуллади.
- Интерфакс ахборот агентлигининг хабарига кўра қуролланган ғуруҳ томонидан ўғирлаб кетилган 16 ёшли чечен қизи Элина Қацаева озод этилган.
- Шимолий Корея ҳукумати Эрон Ислам республикасига узоқ радиусда етиб борадиган баллистик ракеталар сотиши ҳақида расмий Техрон билан ҳамкорликда ядро қуроллари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.
- Lenta Ru агентлигининг маълум қилишича, Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида жойлашган Martioff меҳмонхонасида содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида ҳалок бўлганларнинг сони 14 кишига етди, 150 киши жабрланди.
- Бутун жаҳон бўйича ҳамон кишиларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлаётган қуролли низолар ўрнидаги миллионлаб зарарсизлантирилмаган миналарга қарши курашиш учун янги усул топилди. Эндиликда ўргатилган Африка қопчали каламушлари барча турдаги портловчи мосламаларни топишга мослаштирилди.

Иқтисодиёт

Мақтаб учун
мебеллар

Ўсмирлар қоматининг текис ривожланиши мақтаб даврида партада туғри ўтириш қоидаларига ҳам боғлиқ. Бу эса албатта мақтаб парталарининг қудайлиги ва ихчамлиги билан белгиланади. «Катрис» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ана шундай мебель турлари устида иш олиб бормоқда.

Мақтаб, коллеж каби ўқув юрталари ҳамда офис, кафе, ошхона учун мебеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу фирма беш йиллик фаолияти давомида ўзининг кўплаб мижозларига эга бўлди.

Фирма айна пайтда ҳар томонлама қудай, ишончли моделлар устида ишламоқда.

Чидамли газ
ўлчагичлар

Собир Раҳимов туманидаги «SMG Оникс» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган газ ўлчагич асбоблар аҳолининг иссиқлик энергияси билан бир текисида таъминланишига, шунингдек ортиқча сарф-харажатнинг олдини олишга ёрдам бермоқда.

— Корхонада тайёрланаётган маҳсулот хом ашёси илгари Италиядан келтирилган бўлса, ҳозирда 60-70 фоиз деталлар маҳаллийлаштирилган, — дейди қўшма корхона раҳбари Исламбек Ортиқбоев. — Шунингдек, сифатга эътибор кучайган бир пайтда, ҳодимларимиз маҳсулотга керакли ҳар бир деталнинг чидамлилигига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунки ушбу майда деталлардан корхонанинг бир бутун маҳсулотни яратилади.

Жаҳон андозалари
даражасида

Инкор этиб бўлмайд, ҳар бир киши гўзаллик шайдоси. Ҳозирда ҳатто харид қилаётган маҳсулотнинг ташқи кўриниши, унинг қандай усулда қadoқланганини ҳам эътибордан четда қолдирмайдиган харидорлар эса кўпчилиги ташкил этади.

«Colorflex» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ходимлари ҳам айнан ана шундай нозик-таъб харидорлар дидига мос этикеткалар ҳамда қadoқланган маҳсулотнинг стандартлари даражасидаги экспорт салоҳияти юқори маҳсул ашёлар тайёрлашмоқда.

Энг замонавий флексография ускуналари билан жиҳозланган корхона айна пайтда шахримиздаги «Ўзмевабазавотхолдинг» компанияси, «Ёғмойтамаксаноат» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниялари ва бошқа кўплаб ташкилотлар буюртмаси асосида иш олиб бормоқда.

Корхона ходимлари шунингдек, сут, гўшт, балиқ, қандолат маҳсулотлари, турли ҳамдадаги ичимликлар, озиқ-овқат товарлари ҳамда юртимизда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларни қadoқлаш учун буюртмалар қабул қилишиб, талаб даражасида рангли, чиройли, ялтироқ ҳамда ёпишқoқ этикеткалар тайёрлаб беришмоқда.

Орзуғул РУСТАМОВА

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажақни қандай тасаввур этасиз?

1. Энг улғу ва энг азиз шодибона — Мустақиллик байрами яқинлашгани сари дилимиздаги эзгу ниятлар жўш уради. Ана шу кун олдида ўзингизни қарздордай сезасиз, имкон қадар уни умрингиздаги энг ёрқин кунлардан ҳам зиёда нишонлашга интиласиз. Негаки, мустақиллик — бу халқимиз эрки, бахт-саодати, фаровонлиқ, барчамиз учун улғу, таърифлаб бўлмас нёмат. «Тақдирин қўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона», деган эди алломаларимиздан бири. Истиқлол шарофати ила бу сўз яна бир тасдиқ топди. Негаки бугун қай бир соҳада жасорат майдонига қираман, тадбиркорлик қиламан, деган ҳамюртимизга имкониятлар эшиги очилди. Яна меҳнатингиз муносиб баҳосини оладиган давр бу. Утган йилда Мустақилликнинг 11 йиллиги тантаналари арафасида «Шухрат» медалига сазовор бўлганим бунинг аяқоли исботи. Шу боисдан ҳам ҳар бир инсон меҳнати қадрланаётган мустақил ўлкада яшаётганимдан, бу жаннатмакон Ватанимизни жаҳон «Ўзбекистон» дея эътироф этаётганидан беҳад фахрланаман.

Таъкидланадиган, айтилиши лозим бўлган ютуқларимиз, ўзгариш ва янгиланишлар жуда кўп. Менинг ҳаётимда энг муҳим аҳамият касб этгани эса мулкдорлар синфи шаклланишига, иқтисодиётни эркинлаштиришга, халқ фаровонлиги асоси бўлган, иқтисодиёт раванқида муҳим ўрин тутган

ден» препаратини яратганимиздир. Бунинг учун тадбиркорлик билан изланиб республикамиздаги етакчи олимлар, тиббиёт соҳаси мутахассислари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Энг қувонарлиси эса бу препарат нафақат республикамизда, балки Россия Федерациясининг Москва,

таси ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш режими бор. Бу борада, албатта, ҳукуматимизнинг тадбиркорликка қаратаётган эътиборига, Президентимизнинг қўллаб-қувватлашларига таянамиз. Сирасини айтганда мамлакатимиз ютуқларига ҳисса қўиши, янгиланиш йўлида саъй-ҳаракат қилиш ўз қўлимизда. Мен тадбиркор сифатида ҳам касбларимнинг бугунги изланишларидан, ишлаб чиқариш соҳасидаги муваффақиятларидан илҳомланаман.

2. Келажакка, озод мамлакатимиз истиқболига умид билан қарайман. 12 йил ичидаки шундай оламшумул ўзгаришлар, ўнлаб йилларга татигули ўзгаришлар рўй берибдики, эртанги кунимиз янада муваффақият ва янгиланишларга бўй бўлади. Эл-юрт фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик янада барқ уради. Натижанда бозорларимиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сифатли, рақобатбардор, халқимиз учун зарур, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлади. Харидор ўз талаб ва эҳтиёжига ярашагини танлайди. Шу билан бирга Ўзбекистонда тайёрланган жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар дунё бозорига янада ўз ўрнига, доимий харидорига эга бўлади. Жаҳон бозорига қўйилган қадамларимиз янада дадил бўлиши, шубҳасиз.

Истиқлолдан
бахт топдик

«Тошкент оқшоми» газетаси анкета саволларига «Шухрат» медали соҳиби, тадбиркор, «ПРЕСС-С-Я» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Саидвали ҲОШИМОВ жавоб беради:

кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка қаратилган улда ҳам синовдан муваффақиятли ўтиб, ҳеч қандай асоратсиз таъсир кўрсатиши тажрибада исботланди. Маҳаллий хом ашё — Самарқанд вилояти тоғларида ўсувчи бозулбанг доривор гиёҳдан тайёрланадиган бу аjoyиб дори ворзасига Америка, Англия, Франция сингари йирик давлатлардан ҳам харидорлар бор. Шу боисдан ҳам келгусида ана шу давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, дори воси-

Санкт-Петербург шаҳарларидаги йирик шифо масканларидан ҳам синовдан муваффақиятли ўтиб, ҳеч қандай асоратсиз таъсир кўрсатиши тажрибада исботланди. Маҳаллий хом ашё — Самарқанд вилояти тоғларида ўсувчи бозулбанг доривор гиёҳдан тайёрланадиган бу аjoyиб дори ворзасига Америка, Англия, Франция сингари йирик давлатлардан ҳам харидорлар бор. Шу боисдан ҳам келгусида ана шу давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, дори воси-

Лизинг хизматларини
ривожлантириш учун

Ўзбек Лизинг Интернейшнл акциядорлик жамияти компанияси соғлиқни сақлаш тизимида ташхис қўиш, стоматология, урология, гинекология, юрак қон-томир, кўз касалликлари ва бошқаларни даволаш учун лизинг йўли билан хорижий асбоб-ускуналарни етказиб бериш кўзда тутилган энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилди. Шу муносабат билан компания зарур асбоб-ускуналарни етказиб берувчи фирмалар ва уни сотиб олиш истиғидидаги хусусий тиббий хизмат клиникалари вакиллари учун расми раъзи ташкил этиди.

Ўзбекистон тиббий хизматлар бозорига камида икки йиллик тажрибага эга бўлиш, барқарор молиявий аҳвол, давлат иштироки 0,25 фоиздан ошмаслиги танлов иштирокчиларига қўйилган талаблар сирасига қиради, — деди Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ компанияси ижрочи директори Зафар Мустафоев. — Бу иш учун 500 минг доллар ажратилган бўлиб, танлов ғойиблари йилга 12 фоиз ҳисобидан имтиёзли фоиз ставкаларини қўлга киритадилар.

3. Мустафоев республикамизда сакказ йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган компания хусусида сўзлар экан, унинг Мейбанк (Малайзия), Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро молиявий корпорацияси томонидан таъсис этилган ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти эканини таъкидлади у, — иқтисодиётнинг барча асосий секторлари бўйича лизинг хизматлари кўрсатилди. Компаниянинг мижозлари орасида — кичик ва ўрта корхоналар, масъулияти

чекланган жамиятлар, жамоа, шўба, қўшма корхоналар, акциядорлар жамиятлари мавжуд. Мамлакатимизда амалга оширилаётган валюта бозорини эркинлаштириш жараёни, шунингдек компаниянинг асосий акциядорлари томонидан берилган кредитлар, 2002 йилда ўтган йилдагидан ўн баробар кўп, яъни умумий ҳажми 4,1 миллиард сўм миқдоридаги операцияларни амалга ошириш имконини берди.

Ўзбекистондаги лизинг хизматлари бозорининг таҳлили шуни кўрсатадики, қонунчиликда амалга оширилган муҳим ўзгаришлар бу соҳада мустақам ҳуқуқий асос яратди, — деб таъкидлади Жаҳон банкининг республикадаги ваколатхонаси гаруҳ раҳбари Зафар Ҳошимов учрашувида.

Мамлакат президентининг 2002 йил 1 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, лизинг тўловлари қўшимча қўймаёт солиғидан, лизингга бериладиган хориждан келтирилган жаҳозлар учун қўшимча қўймаёт солиғи ва бож тўловидан, лизинг олаётган шахс эса мол-мулк соғлиғидан озод этилди.

2002 йил охирида 6,6 миллион долларни ташкил этган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми Ўзбекистон лизинг сектори ривожланишининг аниқ имкониятларини кўрсатолмайд, — деб қайд этиди Зафар Ҳошимов. — Тадқиқотлардан шу нарсани аниқландики, мамлакат меҳнат захирасининг катта қисми қишлоқ ҳўжалигида банд бўлганиги сабабли 2003 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг лизинг хизматларига бўлган эҳтиёжи қарийиб 15 миллион долларни ташкил этади. Енгил ва озиқ-овқат саноати техникасига бўлган

эҳтиёж ҳамон юқориликка қолмоқда, савдо жижозлари лизинги эса истиқболли жаҳалардан биридир. Республикада соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусий клиникаларнинг ташкил этилиши замонавий тиббий техниккага бўлган талабни янада оширади. Шу билан бирга тижорат банклари ва бошқа лизинг берувчи компанияларнинг аҳамияти ҳам кучая боради.

Зафар Ҳошимов маъзур секторнинг асосий муаммоларидан бири лизинг капиталини сақлаш эканини айтди. 2000 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистонда валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириш жараёни амалга оширилди. Уч йил давомида валютанинг расмий курси долларга нисбатан қарийиб олти баробар кўтарилган. Бундай шароитда лизинг берувчи инфляция таваккалчилигини қисқартириш мақсадида ё лизинг шартномалари ва улар бўйича хорижий валютадаги тўловларини деноминация қилиши ёки инфляция таваккалчилигини кредиторлар зиммасига юклаб бошқа манбалардан арзон захираларни қарз олиши керак бўлади. Бу эса битимларнинг манфаатдорлигини пайсайтеради. Акс ҳолда лизинг олувчининг захиралари қадрсизланади. Муаммолардан бири — қаллоб лизинг олувчидан лизинг предметини талаб қилиб олишнинг оддий механизми йўқлиги, соғлиқ тортиш учун тезлаштирилган амортизация татбиқ этилишидир. Марказий Осиёда ва хусусан Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш бўйича лойиҳа экспертлари давлат идоралари билан биргалликда ушбу масалаларни ҳал этиш борасида амалий ишлар олиб бормоқдалар, — деди Зафар Ҳошимов сўзининг якунида.

«Туркистон-пресс»

БМТ кўнгилилари
ёрдам беради

БМТ дастури бўйича глобал кўнгилилар ташаббуси доирасида амалга оширилаётган Ўзбекистон UNITEs лойиҳаси вазифаларидан бири Ўзбекистонга ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ёрдам бериш ва бу жараёнга ёшларни жалб қилишдан иборат.

БМТ ахборот технологиялари хизмати ёки Ўзбекистон UNITEs лойиҳаси 2002 йилнинг майда Тошкентда ташкил этилган эди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаш кўнгилиларига эга маҳаллий талаблардан тузилган кўнгилилар гуруҳи нотижорат ташкилотларга компьютер саводхонлиги асосларида ўқитиш, web-саҳифалар, маълумотлар базасини ташкил этиш, шунингдек, компьютер тўпламларини таъмирлаш каби бегарас ёрдамни тақдир этмоқда.

БМТ кўнгилилари дастури менежери Дилшод Мавлоновнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон UNITEs кичик бюджетли ташкилотларнинг ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштиришга интилишларини қўллаб-қувватлайди, кўнгилилар сафига ёшларни жалб қилади ва уларнинг ривожланишига қўмаклашади. Утган йилдан бошлаб 40 нафардан ортиқ кўнгили «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жағмармаси, республика ДОТС маркази, Тошкент давлат молия институти, Республика таълим маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария ва эпидемиология хизмати, Чилонзордаги академик лицей каби ҳамда бошқа кўплаб турли ташкилотлардан аризалар олди. 2002 йил охирида Ўзбекистон UNITEs 70 нафар кўнгили ва 50 та ариза берган ташкилотни ўз сафига қабул қилди.

(ЎЗА).



Тошкентим — боғу бўстоним

Манзарали меъморчилик чизгилари

**Бахтиёр ИСРОИЛОВ,
Бобур номидаги маданият
ва истироҳат боғи директори:**

— Яшил зоналар вазифаси, тури, таркиби, режалаштирилиши бўйича уч йўналишга бўлинади. Жумладан, умумий фойдаланиш яшил зоналари қаторига шаҳар ва туман миқёсидаги истироҳат боғлари, хиёбонлар, мавзеларда ташкил этилган гулзор ва майсазорлар кирради. Чегараланган яшил зона деганда уй-жой атрофи, хусусий хонадонлар олди, корхона ва ташкилотлар ҳудудидаги кичик ечимдаги майдонлар тушунилади. Ботаника ва зоология боғлари, дендропарк, гулчилик ва богдорчилик ҳўжаликлари махсус зоналарга ажратилиш.

Умумлаштирилганда буларнинг бари ягона кўкаламзорлаштириш тизимини ташкил қилади. Ҳозирдаги шаҳарсозлик тизими таркиби сифатида яшил зоналар кўп қиррали вазифани бажаради. Улар шаҳар ландшафти, яъни манзарасини шакллантиради, унинг чиройли худудини ташкил қилади. Мустиқил меъморий-бадвий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга яшил зоналар, шунингдек, шаҳар архитектурасининг бино ва иншоот, бошқа курилмаларидан иборат барча чизмаларини

очиқ бериш ва намоён этишга йўналтирилган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, яшил зона таркибига кирувчи ҳар бир ўсимлик умумий кўринишида ландшафт архитектураси, яъни манзарали меъморчиликни ташкил этади.

Шаҳарсозлик қоидаларига асосан яшил зоналар турар жойлар ҳажми ва ишлаб чиқариш майдонлари ихтисослашуви бўйича меъёрланади. Масалан, катта саноат корхоналари мавжуд бўлган йирик шаҳарларда анча юқори меъёрлар белгиланган. Ўзбекистон иқлимида турар жой мавзеларида ҳар бир кишига 50-60 квадрат метрдан кам бўлмаган яшил зоналар тўғри келиши керак.

Шу ўринда пойтахтимиздаги энг кўкаламзор жойлар — истироҳат боғларининг манзарали архитектураси хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Тошкентда 20 дан зиёд йирик маданий хордиқ чиқариш зоналари мавжуд. Қурилиш меъёр ва қоидаларига асосан уларнинг худуди 40-60 гектардан иборат бўлиб, шундан 15-20 фоизи — оммавий тадбирлар ўтказишга, 56-60 фоизи — сокин, ором бахшида этувчи жойлар, 10-12 фоизи — спорт ўйинлари, 10-15 фоизи — болалар ўйингоҳлари, 2-5 фоизи ҳўжалик ишларига тўғри келмоғи лозим.

Шаҳар худудида дам олиш зоналари барпо этилишида биринчи навбатда баланд манзарали дарахтлар остида соябонлар ташкил қилишга кўпроқ эътибор бериш лозим. Ҳаттоки оммавий тадбирлар ўтказишга йўналтирилган зоналарда йирик очик партер майдонлар қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Истироҳат боғлари архитектурасини, масалан, танаси баланд манзарали дарахтлар қаторидан иборат кенг аллеялар кўринишида намойиш этиш мумкин. Бундай боғлар худудида яшил деворлар ўстириш тавсия этилмайди. Соя атрофдан эмас, асосан юқоридан тушиб туриши, қуёш нури тўғри келган майдонларда сув ҳавзалари ва фавворалар ўрнатилиши олдиндан лойиҳага киритилиши мувофиқдир.

Шунингдек, боғларда дарахт ва буталарни бир-бирига зид бўлмаган, биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг атроф-муҳитга фойда ва зарарли томонларини олдиндан ҳисобга олиб кейин жойлаштириш лозим.

Пойтахтимиз манзарали архитектура-сида белгиланган меъёр ва қоидаларга қанчалик риоя этилаётгани хусусида биргина дам олиш масканлар мисолида ҳам кузатиб, тегишли ҳулоса чиқариш мумкин.

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ

АКАЦИЯ



Ҳақиқатдан акация ташқи кўриниши билан софорога ўхшаб кетади, лекин у унча катта бўлмаган дарахт. Шоҳлари атрофга кенг ёйилган, жимжимдор. Гуллари — пушти ранг. Май ойидан август ойигача гуркираб ёқимли ҳид таратиб гуллайди. Исикликка ўч. Шу боисдан шаҳар шароитида қиш мавсумида унинг шоҳларини кўпинча совуқ уради.

Акация уруғи орқали кўпайтирилади.



ЯПОН СОФОРАСИ

Кенг тарқалган манзарали дарахт. Ватани — Узоқ Шарқ, Тошкент худудида Ўзбекистон шоҳўчаси бўйлаб, биринчи Тошкент тиббиёт институти, Эски шаҳар кўчаларида бўйи 20 метр, эни 3 метрдан зиёд юз йиллик софораларни учратиш мумкин.



Ушбу манзарали дарахт шаҳар иқлимига яхши мослашган. Чанг, тутун, ҳаво ифлосланганлигини ва қуруқлигини, намлик даражаси пастигини, қаттиқ тупроқни ҳам кўтаравради. Бундай шароитда ҳаттоки барглари тиниқ яшиллигини сақлаб қолади, софоранинг қомаги ҳам ўзгармайди. Софоро ёз ўрталарида оқ, сариқ гуллари билан хушбўй ҳид тарқатади. Қиш фаслида ҳам ўч қиройини йўқотмайди.

Барглари кенг ва соябонлиги билан бошқа дарахтлардан кескин фарқ қиладиган софорани кўпчилик оқ акация билан адаштиради.

ОБОДОНЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Мамлакатимизнинг кўрки бўлмиш пойтахтимиз кундан кунга жозибали тусга кирмоқда. Яқинда меҳмон бўлиб кетган хорижлик сайёҳлардан бири «Тошкентнинг ям-яшил, кўркам, гулларга бурканаётган хиёбонлари мени ҳайратга солди», дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, дам олиш кунларида шаҳримизнинг марказий майдон ва хиёбонларини айланар экансиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Айниқса Халқлар дўстлиги, Мустиқиллик, Боғи Эрам, Миллий боғ, Амир Темур каби майдон, хиёбонларни айланиб баҳри-дилингиз очилади. Навниҳолларга шакл берилган, гулзорлар яшнаб кўзингизни қувонтиради, оромбахш фавворалар ва зангори ўт-ўланлар қалбларни мафтун этади. Ана шунда бахтиёр ушбу гўзалликни яратётган инсонлар ҳақида фикр юртасиз.

Биз шаҳримизни боғу-бўстонларга айланатиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Марказий майдонларни ободонлаштириш бўйича Махсуслашган бошқарма фаолияти билан яқиндан танишдик.

Бошқарма бундан ўн олти йил олдин ташкил топган бўлиб, у пойтахтимиздаги муҳим марказий бошқарув органлари, майдон ҳамда хиёбонларни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини сақлаб туриш каби ишларни бажаради. Шунингдек, бошқарма ходимлари майсазорларни суғориш, чиқиндиларни вақтида олиб кетиш ишларини ҳам мунтазам амалга оширишди.

— Айни чоғда жамоамизда

40 та автоматотехника бўлиб, 812 нафар ишчи ва хизматчилар бир оила фарзандларидек меҳнат қилиб келишмоқда, — дейди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи ўринбосари Тохир Бувамуҳамедов. — Жорий йилда бошқармага тегишли бўлган майдон ва хиёбонларга 550 тупдан ортиқ мевали, 2100 тупдан ортиқ манзарали, 747350 тупдан ортиқ ёзги гуллар экилди. Бундан ташқари республикамиз Мустиқиллигининг 12 йиллик тўйи олдиндан байрам тадбирлари ўтказиладиган саҳна атрофида 50000 дан ортиқ турли хилдаги гул кўчатлари экишни ниҳоясига етказмоқдамиз. Ушбу муборак тантаналар арафасида 40 дан зиёд ўт



ўриш, 20 та сув ташиш, 10 та супуриш, 20 та оқ машиналарни хизматга шайлаб қўйиб-



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз!



«Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намён этадиган Ватанимиз остонасидир...»
Ислом КАРИМОВ.

Ўтмишсиз келажак бўлмас, дейдилар... Шу маънода ажойиб ўтмишнинг бор, қадим Шош! Тарихнинг жаҳон тарихининг бир бўлаги. У — нафақат бугунги Тошкент, тошкентликлар ёки бутун ўзбек халқининг, балки, Марказий Осиё халқларининг ҳам кўп асрлик бисоти.

Буюк Ипак йўли сен орқали ўтганига башар аҳли шохид. Зеро, ўша кезлардаёқ Шарқу Фарбни болаган кўприк эдинг Сен! Йирик ҳунармандчилик, савдо ва маданият маркази бўлиб донг таратгандинг. Айниқса, ўн икки дарвозанг (ухшашликни қара, Мустақилликнинг ўн икки йиллигида ўн икки дарвозангни эслаяман!) Мағриб Машриққа доим очик, карвон саройларинг дастурхони эса мудом сочик эди...

Лекин, баъзан Кўмас, Қашқар, Қўқон, Камолон каби дарвозаларинг қаерда бўлганини бугун кўпчилик билмаганидан бироз афсусланаман ҳам. Ҳолбуки, манбаларда ёзилганча, Шайхонтоҳур ансамбли, Бароқхон, Қафқол Шоший, Қўқалдош мадрасалари ва бошқа обидалар сенинг кўрking ва ифтихоринг бўлиб келган. Бугунгача сақланиб қолган республика ва маҳаллий аҳамиятта молик 200 дан ортик обидаларинг тарихининг жонли гувоҳигина эмас, бебаҳо маданий ва меъморий ёдгорликларинг ҳамдир.

...Турли йиллар, турли асрлар... Ўзгариб турган давр ва ўзгариб турган тузумлар сени оғир синовларга ҳам тутди... Узоққа боришга не ҳожат: шўро даврини эсла. Мамлакатимизнинг пахта, олтин, газ, пилла ва жамики ширин-шарбат ноз-неъматлари собиқ марказга сен орқали олиб кетилди. Уруш йиллари бутун «Катта ер»ни едирдинг, ичирдинг, бус-бутун кийинтирддинг, ўзинг оч қолсанг ҳам тишлан нонингни узатиб турдинг. «Тошкент — нон шаҳри» деб китоблар ёзилганда соддадиллик билан қувониб ҳам қўйдинг...

Лекин, ҳақсиз экан у тузум. Эвазига на ҳақ берди, на бахт. Кўрку тароватингни очиб у ёқда турсин, олдинги файзу бароқатингни ҳам сақламади. Сени асрлар оша ота-боболари қурган туб тошкентликлар 20-30-йилларда тикланган иморатларда яшаб келинди. Улар шу қадар пугурдан кетган эдики, ҳатто таъмирта ҳам ярамай қолувди: на иситиш тизими, на ичимлик сув қувури, на газ ва на оқавалар йўли... Икки-уч хонада бир неча оила яшаган, киши бошига 2-3 квадрат метр саҳн тўғри келган хонадонлар Эски шаҳар, Самарқанд дарвоза, Себзор, Қоратош каби мавзеларингда минглаб ва минглаб эди...

Эсимда, Шош, 80-йиллар ўрталарида сенинг 2000 йиллигингни нишонладик.

Ўша кезлари Чигатой аҳолиси меъморчилигимизнинг тарихий ва архитектура ёдгорлиги — эски мачитни қайта тиклашди. Кўпчилик шодон бўлиб бориб кўрдик. У шунчаки иморат эмас, санъат эди! Лекин, биласанми, бир тарихчи (ўзича забардаст!) олимдан ўшанда муҳташам иншоотнинг тикланган даврини сўрадим. У айтолмади. Аниқроғи, айттолмадигина эмас, «қасқдан билай, зарил кептими?» — қабилида жавоб қилди. Ўқиниб кетдим. Тўғриси, сенинг бағрингда яшаб, сенинг тузингни тотса-ю тарихингни қадрдон бошланганини билмаган ўша миррихчи олимга ачиндим...

Яна бир мисол. 1994 йилда Мирзо Улугбекнинг 500 йиллигини нишонладик... Шундан икки-уч йил олдин буюк аллома даврига мансуб ёдгорлик — Зангиота мақбарасини бориб кўргандим: равоқларидаги тошлар битталаб кўчириб олинган, кошинлари бир четга тўда-тўда қилиб уюб қўйилган ва кимлардир ўз иморатига зеб билиб аста-секин ташиб кетишадиган (ваҳшийлик!) ҳолда эди.

...Тузумнинг тазйиқини қараки, Пойтахт бўлсанг ҳам ўшанда бағрингда ишлаб турган не-не вазирлар, депутатлар, ҳукумат идоралари ва катта-катта мансабдорлар жамолингни яшартириш кюрини қилишолмади...

Хайрият, Худога минг қатла шукр, 90-йиллар бошига келиб вазият бир қадар ўзгара бошлади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан аҳолининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва тарихий туманларинг таъмирини жадаллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинди. 1991-1995 йилларга мўлжалланган бу қарорда одамларнинг ҳаётини манфаатларига дахлдор муҳим масалалар энди илгаригидек ҳаммадан пинҳон тутилмади. Аксинча, жамоатчилик фикри инобатта олинмаган ёхуд пинҳон қилинмаган ҳар хил яроқсиз иш услубларига барҳам бериб, мутахассислар, олимлар, меъморлар, маҳаллаларнинг фаоллари билан бамавҷлаш матбуотда ошқора муҳокама қилинди. Кўп ўтмай шаҳарни ривожлантириш доирасида «Маданий ва меъморчилик ёдгорликлари» деган дастур вужудга келди.

90-йилнинг ўзидаяқ илгари битмай қолган ҳамма турар-жой бинолари, ижтимоий-маданий-маиший иншоотлар жадал ишга тушди. Уй-жой дастурига кўра ҳар йили 1,3-1,5 миллион квадрат метр уй-жой қуриш марралари белгиланди. Беш-ўн йиллаб тугалланмаган, ярим хароба ҳолга келган Абай, Фурқат, Ўзбекистон каби марказий кўча ва шоҳкўчаларингда бунёдкорлик ишлари авж олди.

Уларнинг теварак-атрофида вайрона кул-балар кўп бўлган ҳолда комсомол марказий кўмитаси, касоба уюшмалари, ҳисоблаш маркази, Горький номи театр бинолари сингари иншоотларнинг ўта қиммат ва дабдала лойиҳаларига чек қўйилди. Талабалар шаҳарчасидаги 49 та ётоқхона таъмирига (ўша давр рубли билан) 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу — 80-йилларнинг ҳар бирига нисбатан 4 баробар кўп сарф-харажат эди.

Айниқса, аҳоли уй-жой қурилишига берилган эътиборни айтмайсанми, Шош! Сенинг тарихан таркиб топган туманларингда миллий анъаналарингни сақлаб қолган ҳолда рисоладагидек уй-жой соҳасини замонавий даражада шаклланти-

● Якка тартибдаги уй-жойлар қурилишига ажратилган майдон 1730 гектарни ташкил этди.

● Шаҳардаги боғ, хиёбон ва яшил майдонлар саҳни 10 минг квадрат метрге етди.

● Аҳолига 200 минг туп мевали дарахт ниҳоллари тарқатилди.

1991-1992 ЙИЛЛАР

● 1991 йили Ўзбекистон 1 дий боғи очилди. (Якка келажакда унинг ҳудуди 100 гектарга кенаяди).

● Боғ ёнида «Навруз» ресторани ва тантаналар уйи ишга тушди.

● 1991 йилнинг 28 сентябрь куни буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди.

колежлар, савдо марказлари, бозорлар, шифохоналар, олий ўқув юрталари, маданият муассасалари, кинотеатрлар, спорт иншоотлари, автобекатлар, сайилгоҳ-у истироҳат боғлари... Ҳамма-ҳаммаси қайтадан бошланди. Эски шаҳарни қайта қуриш бўйича энг яхши лойиҳа танловининг ўзига 470 миллион сўм маблағ ажратилди.

1993 ЙИЛ

● Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали очилди ва унинг ёнида Темурийлар тарихи Давлат музейи ишга тушди.

● «Туркистон» маданият саройи (3600 ўринли ёзга томошагоҳи билан) қад кўтарди.

ЭШИТ, ЭЙ, ҚАДИМ ШОШ!..

ёхуд у билан кеча ва бугун ҳақидо ғойиб ва таҳлилий-публицистик сўхбат



ришга, шинам гузарларга эга маҳалла ва даҳаларнинг вужудга келишига саъй-ҳаракатлар жадал тус олди. Оташнафас бағрининг экологик муаммоси ҳам кенг жамоатчилик диққат марказига қўйилди. Сенинг табиий-иқтисодий ва ижтимоий экологик манфаатларингга хилоф ривийда барпо этилган ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари бағриндан узокроқ жойларга олиб чиқилди. Аҳолига бирор нарса бериш у ёқда турсин, унга, унинг сиҳат-саломатлигига катта зиён етказиб келган 70 дан кўпроқ корхона, омбор ва базаларнинг жойлари ўзгартирилди.

Қиёсий фактлар, рақамлар, далиллар 1990 ЙИЛ.

● Пойтахт ҳудуди чуқур ўрганиб чиқилиб, уй-жой қуриш учун 500 минг квадрат метр яроқли ер борлиги аниқланди.

● Ўша йили аҳолига 3492 гектар ер участкаси берилди.

● Тошкент вилояти ҳудудидан уй-жой қуриш учун 978 гектар ажратилди.

● 1992 йилгача 3 миллион 634 минг квадрат метр йўл ва йўлкалар таъмирланди.

● 361 километр узунликда ёритиш тармоқлари қайта кўриқдан ўтказилди.

● 245 километр масофадаги сугорчи тармоқлари тартибга келтирилди.

● 11 та бозор тубдан таъмирланди.

● Кўплаб замонавий турар жой бинолари шифохоналар, таълим муассасалари, автомарказ, савдо уйлари, спорт иншоотлари барпо этилди.

... Булар ҳали ишнинг бошланиши эди, қадим Шош!

Кейин яна Юртбошимиз таклифи билан 2010 йилгача бўлган даврда ва истиқболда Тошкентни (бугунги жаҳонга таниқли, Шарққа машъал номинг — бу!) таъмирлаш ҳамда ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди... Бир-биридан гўзал, шинам, халқаро андозаларга мос осмон-пўнар бинолар, кенг, раvon йўллар, Катта халқа йўли, Кичик халқа йўли, маҳобатли кўприклар, замонавий ўқув кабинетларга эга мактаблар, лицейлар,

● 10 та теннис майдонига эга «Ўзбекистон» (Юнусобод) спорт мажмуаси ишга тушди.

● Сабон, Қорасарой, Чимбой, Гафур Гулом, Фаробий кўчалари 2-3 бараварга кенгайтирилиб, троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

● 167 гектар майдон кўкаламзорлаштирилди.

● Аҳмад Дониш кўчасида 1151 метр узунликдаги муаззам кўприк барпо этилди.

1994 ЙИЛ

● 5 мингдан зиёд хонадонга табиий газ, ичимлик суви, телефон ва оқова сув тармоқлари олиб кирилди.

● Эски Жува бозорида юзлаб хунармандчилик дўконлари, савдо расталари тикланди.

● «Чақар», «Қоратош», «Кўмирчи» маҳаллаларида янги турар жой бинолари қурилиб, уларда 5 мингдан зиёд оила ҳовли тўйлари ўтказилди.

● Зарқайнар, Уйгур кўчалари, Хадра майдони қайта таъмирланди.

● Фурқат, Қорасарой, Бешёғоч, Катта боғ кўчаларида замонавий кўприклар, ерости, ер усти ўтиш йўллари барпо этилди.

● «Жар» спорт мажмуи ишга туширилди.

Эҳ-ҳе, қай бирини айтий, Шош!? Мангуликка дахлдор Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» каби ёдгорлик мажмуаларини айтиймиз? Бу муътабар қадимжоларни ҳар гал зиёрат қилсам уларда ўз йўқотганларини топгандек бўламан. Хориждан келганлар бу обидаларда бўлиб, «Қадим Шошда меҳроқибат мудом устувор экан» деб кетаётганларини эшитсам ич-ичимга сиғмай қоламан.

Миллий ва жаҳон меъморчилигининг мумтоз намуналаридан бири — Консерваторияга қара, Шош! Хадрага бориб Миллий академик драма театримизни кўр... Ўзбекистон рус академик театрига ҳам боришинг мумкин. Истасанг, «Интерконтиненталь», «Шератон», «Гранд Мир», «Пойтахт», «Ле-Меридан» сингари ўнлаб меҳмонхона мажмуаларига бирга бораёйлик... «Динамо» теннис ўйингоҳи, Ёпиқ сузиш ҳавзаси, «Гольф клуб», «Миллий банк — Осиё» каби салобатли спорт иншоотларини ҳам кўздан қочирма.

Ҳар бир юртнинг кўзгуси — бозор. Шош, сенинг бу кўзгуларингнинг ҳам барчаси қайта қурилди. Кўплаб янгила-ри ҳам барпо этилди: Олой, Эски Жува, Бешёғоч, Миробод, Юнусобод, Фарҳод, Паркент, Янгиобод, Қўйлик, Ибн Сино, Кўкча, Аҳмад Дониш, Ширин...

Набираларинг ўйнаб-қулиши, соғлом ва дуркун ўсиши учун қурилган «Аквапарк», «Диснейленд», ҳайвонот боғи, сунъий кўллар, фавворалар, «Боғи Эрам» боғи, эҳ-ҳес, яна қай бирини айтий.

1996 йил Юртбошимиз Фармони билан ташкил этилган «Тошкентўйжой-жамғармабанк» жамоаси пешма-пеш тиклаб ташлаётган замонавий уйларга ҳозиргача 5345 та оила кўчиб кирди.

Муболаға бўлсаям айтий, қишин-ёзин ям-яшил ҳудудинг сўнгги йилларда 150 гектарга кенгайди. Шу йилнинг ўзида бағрингга 2 миллион тупдан зиёд турфа хил дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Улар орасида миллий дов-дарахтларимиздан тортиб, хориж ўлкаларида ўсадиган эман, ясен, каштан, оқ қайин, арча, липа, писардия ва ҳатто Кун чиқар мамлакатдан келтирилган сакурагача шифил-шифил ҳосил бериб турибди. Уйқу жой танламагандек, нав-ниҳол ҳам меҳр ва парвариш бўлса жой танламаган экан, Шош. Зеро, сенинг бағринг азал-азалдан меҳр ва оқибат огуши эмасми?!

СўНГИ (1995-2003) ЙИЛЛАРДА:

● Юзлаб километр янги йўллар қурилади, эскилари таъмирланди.

● 9 та маҳобатли кўприк, 10 та автомобиль йўли ўтказилди, 10 та йўловчиларнинг, 10 та транспорт воситаларининг ер ости ўтиш йўлаклари ишга тушди.

● Собиқ «Ипподром» — «Чилонзор буюм бозори» замонавий тарзда қайта қурилди.

● Метронинг Юнусобод йўналиши ҳаракатга келди.

● Шаҳар ичидаги Кичик халқа йўлининг ўн йиллиги, иккинчи бошқичи — ўн бир йиллиги шарафига барақат фойдаланишга топширилди. Яна бир неча кундан сўнг унинг учинчи бошқичи Истиқлолнинг ўн икки йиллигига муносиб совға бўлади.

● Хотира майдони ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуалари пойтахтнинг энг гавжум зиёратгоҳлари бўлиб қолди.

● Миллий ва жаҳон меъморчилигининг мумтоз намунаси Ўзбекистон Давлат Консерваторияси қад кўтарди.

● Миллий академик драма театри, Ўзбекистон рус академик драма театри янги, кўркем биноларда иш бошлади.

● «Алломиш» халқаро савдо кўрғазими мажмуи фаолият юр-та бошлади.

● 90 та касб-ҳунар, 32 та лицей ва янгидан ўнлаб мактаб сингари ил-масканлари вужудга келди.

● Миллий Банк, халқаро Бизнес Маркази, Банклар ассоциацияси, шаҳар ҳокимлиги иншоотлари ишга туширилди.

● Халқаро андозада кўш-кўш «юлдуз»ли меҳмонхоналар, спорт саройлари, теннис кортлари, бозорлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, супермаркетлар, маҳаллалар, гузарлар, маъмурий бинолар...

... Хуллас, қадим Шош, агар қўйиб берсанг, савоб ва саховат тўла кўксинг Мустақиллик йилларида асл маънода қуриш, яратиб марказига, бунёдкорлик масканига ва у мумтозона меъморий мактабга айлангани ҳақида жўшиб-жўшиб, яна кўп ва кўп ёзишим мумкин. Афсуски, кўрик-танлов ҳайъатининг шартига «битигингиз газетабон, қисқароқ бўлсин» дейилган экан. Начора!

Сўнгги сўзим, қадим Шош, эшит ва фахрлан: академик шоиримиз Гафур Гулом: «... Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош!» деганда сенинг улардан ҳеч ҳам кам эмаслигингни гурур билан қуйлаганди. Дарвоқе, Сен бу кун Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Бош Кенти — Тошкентсан! Мамлакатимиз Бош қомусининг 6-моддасига «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри» деб битиб қўйилган. Демакки, қонун билан тасдиқланган давлатимиз рамзлари — Байроқ, Герб ва Мадҳиямиз сингари Сен ҳам эркин, овоз ва хур ўлкам рамзисан, тим-солсан!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Маълим

Янги лойиҳа
самараси

Халқаро таълимий тармок лойиҳаси доирасида Ўзбекистон-Америка академияси шохобчаси ташкил топди. Ушбу академиянинг юзга келишида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Истеъдод» республика жамғармаси ҳам таъсисчилик қилдилар.

Бизнес-иқтисодий таълим масалалари билан шуғулланаётган мазкур ўқув шохобчаси республикамизда масофавий таълимни кенг йўлга қўйиш билан ҳам шуғулланмоқда. Жумладан, бундай ўқув технологияси мамлакатимиздаги иккита олий ўқув юртида жорий этилмоқда. Янги ўқув йилда Тошкент Давлат ахборот технологиялари университетидеги ушбу лойиҳа ўз амалий ечимини топади.

Шунингдек, олий ўқув юртида «четдан тақлиф қилинган профессор» дастури бўйича талабаларга маърузалар ўқилади.

Ўқитувчиларга
қўлланма

Янги ўқув йили олдиндан республикамиз мактаблари бир нечта мукамал ўқув адабиётларига эга бўлдилар. Адабиёт фани бўйича яратилган дарслик ва қўлланмалар ҳам ўз мазмун ва мундарижаси билан ажралиб турибди.

Мактабларнинг 9-синф Адабиёт дарслиги бўйича чоп этилган методик қўлланма ҳам тақдим этилди. Унда дарсликдан ўрин олган ёзувчилар ва уларнинг энг яхши асарларини ўрганнига доир методик ишланмаларга кенг ўрин берилди.

Янги педагогик технология мезонлари асосида яратилган бу китобда «Миллий маънавият, бадиий асарларини ўрганнига деган мавзу доирасидаги методик тавсиялар ҳам бор.

Тажириба-синов
давом этмоқда

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнига педагогик технологияларни таъдқиқ этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш борасида самарали изланишлар олиб борилмоқда.

Ана шу муҳим педагогик йўналишдан фойдаланишнинг истиқболли таъминлашда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти олимларининг ишланма ва тавсияларининг илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Янги педагогик технологиялар яратиш бўйича тадқиқотлар бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Бунинг учун жойларда тажириба-синов майдонлари белгиланди. Яққасарой туманидаги 118- ва Чилонзор туманидаги 131-мактабларда олиб борилаётган тажириба-синов ишлари ҳам қутилган натижаларни берди.

«Педагогика ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлар» деган мавзуда ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида ана шу жараёнларга яхши баҳо берилди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

• ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

МАРД
ЙИГИТЛАР САФИДА

Мард йигитларимиз тинчлик таянчи, элу юрт суянчи. Аскар садоқатидан сарҳадлар дахлсиз. Озодлик осмонини алп қоматли мард йигитлар саклайди, юрт чегараларини бедор кўриқлайди.

Шунинг учун ҳам Миллий Армиямиз сафларини мард ва жасур йигитлар билан тўлдириш, тез ва соз ҳаракатлана оладиган армияни ташкил қилиш, Ватан ҳимоячисини обрўсини ошириш йўлида давлатимиз томонидан кўп савъ-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ тўққизинчи ва ўнинчи сессияларида ана шу мақсаднинг мазмун-моҳияти йўлида энг муҳим йўналишлар белгиланиб, янги Қонун қабул қилинди. Ўғлонларимиз ушбу янги қабул қилинган Қонун асосида шу йил баҳорги қақриқдан бошлаб 1 йил мобайнида хизмат қилдилар ёки хизмат турининг янги сафарбарлик қақриув резерви бўйича ўз йигитлик бурчларини ўтайдилар.

Кунни кеча Чирчиқ гарнизонидаги ҳарбий қисмда Тошкент шаҳри ўсмирларнинг сафарбарлик қақриув резерви ҳарбий йигитининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Азиз ўғлонлар, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Курбонов. — Бугун сиз ўз йигитлик бурчингизни ўташ, Ватанингизга, ота-онангиз ва Президентингизга муносиб фарзанд бўлиш ҳақидаги энг эзгу тилаклар билан сафда турибсиз. Ҳаммангизга омад ва зафарлар тилайман. Мустақил Ўзбекистонимизнинг мард ўғлонлари қаторидан ўрин олиб, сизга таълим-тарбия берган устозларингиз, ота-онангиз меҳнатини албатта оқлайсизлар деб ишонамиз.

Ушбу ҳарбий йигин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақриуви

резервидаги хизматни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги жорий йилдаги қарорига асосан ташкил этилди.

Жорий йилда Тошкент шаҳри бўйича сафарбарлик қақриув резервида жами 4245 нафар ўсмирлар қабул қилиниши режалаштирилган бўлиб бугунги кунда 4430 нафар ўсмирлар билан шартнома тузилган. Бугун 250 нафар ўсмирлар ўз йигитлик бурчларини ўташ учун ҳарбий қисмга келганлар. Улар бир ой мобайнида аскарлик ҳаётининг қонун-қоидалари, сафда юриш, қуролларнинг хусусиятлари ва ишлатилишини, кимёвий қуроллардан ҳимояланиш ва ҳарбий тактика усул-



ларини ўрганадилар. Бугун сафда кўнглида бир оз хавотир, бир оз ҳаяжон билан турган йигитлар бир ойдан сўнг ҳарбийларга хос қаққон ва эпчил, ҳарбий-ўқув машғулотларининг ҳавосини олган, она-Ватан сарҳадларининг муносиб кўриқчиси бўлишга тайёр, жасур ва ўқтам йигитлар қаторидан ўрин олиб аскарлик қасамини тантанали равишда қабул қиладилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Тошкент ҳарбий округи кўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Қ. Аминжонов, фахрий генерал-лейтенант Собиржон Охунов, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар



бўлими вакили Камолитдин Бердиевлар Ватан посбони бўлишдек шарафли йўл оstonасидаги йигитларнинг хизматларида омадлар тилаб, яхши ва намунали хизмат қилишга, она-Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлишга қақридилар.

Тадбирда уруш фахрийлари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ЁИХ, хотин-қизлар комиссия-

шига ишонаман. Илоҳим, юртимиз тинч бўлиб, фарзандларимиз хизматларини аъло даражада ўтаб, бағримизга соғ-омон қайтишин.

Илҳом НУРМАТОВ:

— Мен жуда ҳаяжонданман. Бир ой мобайнида биз эгаллайдиган малака ва кўникмаларни фақат аълога ўрганиб, сафдошларимизга ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан.

Раҳима КАРИМОВА:

— Мен бугун Комилжон, Олимжон ва Абборони, яъни уч ўғлимни бир ойлик хизматни ўташлари учун кузатяпман. Уларнинг бири институтни тугатди, бири ўқияпти, бири энди 18 га тўлди. Уларни сафда кўриб оналик қалбим ғурурга тўлди. Суюнмай бўладими, уч паҳлавон ўғилларнинг, учта Ватан посбонининг онаси бўлиш бахт, ахир. Шарт-шароитларни кўриб биз ота-оналар хурсанд бўлдик. Илоҳим, давлатимизнинг мана шундай эътибори ва ғамхўрлигига фарзандларимиз муносиб бўлсинлар, элу юртга садоқатли инсонлар қаторидан ўрин олсинлар. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин.

Ҳа, дарҳақиқат юрт тинчлиги — мамлакат ободлигидир. Мана шу заминнинг тинчлигисоюшталлигини сақлаш эр йигитлар зиммасида. Ватан посбони бўлишдек шарафли ном ҳам мард йигитларга ярашади. Миллат ғурури, элу юрт фахри бўлган ана шундай йигитлар сафи тобора кўпайсин деб ниёт билдириб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Садриддин АЗИЗОВ,
СУРАТЛАРДА: сафарбарлик қақриув резерви ҳарбий йигитини тантаналаридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар.

Миллий қадриятларимизнинг
тарбиявий аҳамияти

• ТАДБИРЛАР

Яқинда «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан «Еркин ҳаёт» ва «Амир Темур номили маҳаллаларда «Миллий қадриятларимизнинг тарбиявий аҳамияти» мавзусида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Тадбирда миллий қадриятларимизнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг аҳамияти, хусусан ёшларга таъсири ҳақида, қадим замонлардан урф ҳисобланиб келинаётган тўйларимизни, маърака ва маросимларни меъёрида ўтказиш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Маҳалла оқсоқоллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда айрим фуқароларнинг гоҳ тушуниб, гоҳида тушунай ёки сохта обрў орттириш мақсадида ўтказаятган даъбабали маъракалари, ниҳоқ кечаларини кичикроқ ўтказилиши кераклиги ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Суҳбатда сўзга чиққан «Маънавият ва маъри-

фат» маркази Сергели туман бўлими раҳбари, филология фанлари номзоди, доцент Шавкат Ибрагимов халқимизнинг қадриятларини, урф-одатларини соф ҳолда сақлаб қолиш, зўракилик билан кириб келаятган бундай ўзгаришларнинг олдини олиш кераклиги ҳақида батафсил тўхтади. У маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида тўй-ҳашам ва бошқа маросимларда тоғораларни қисқартиришга келишилгани, оилалар маҳалла билан бамаслаҳат тўй қилаётганлари ҳақида сўзлади. Шунингдек, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлими ходими Фулом Раҳмонов тўйларни илҳам ва кам харажатли ўтказиш мақсадида олдиндан режалар тузиб олиниши фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда йиғилганларнинг шу мавзудаги фикрлари тинланди.

Юлдуз УСМОН

• САНЪАТ

«ЧЕХИЯ» ЖУРНАЛИДА
ЧОП ЭТИЛДИ

«Фаргона водийсида баҳорини қаршилаб» деган номда яратилган туркум картиналар истеъдодли мўйқалам устаси Пулатхон Жамиловга омад келтирди. Бу ижод намуналарининг репродукциялари эса «Чехия» деб номланган бадиий журналда чоп этилиб, рассом номини бутун дунёга танитди.

Унинг «Сумалак» картинаси ҳам омалашди. «Москвада Ўзбекистон рассомлари кўргазмалари» деган номда чоп этилган каталогда бу асар ҳам ўз аксини топди.

Рассом шу мавзудаги ижодий изланишини давом эттиришга киришди. Бу туркумдаги картиналар 11 номдаги полотно орқали юзга келади. Улар рангли суратлар янглиг навбатдаги тўпладан ўрин олади.

Аҳмад АББОСОВ

Спорт

Сарҳисоб ва режалар

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида республика бадминтон федерациясининг олти ойлик иш якунлари ҳамда келгуси режаларига бағишланган ҳисобот йиғилиши уюштирилди. Унда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов, бадминтон соҳаси мутахассислари, мураббийлар ҳамда спортчилар иштирок этишди. Шуниси аҳамиятлики, унда иштирок этганлар юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан бадминтонга берилган эътибор, ушбу спорт турининг бугунги аҳоли, мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари хусусида сўз юритишди. Ушбу йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Мутахассис ва мураббийларнинг тақлифига кўра, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев Республика бадминтон федерациясига президент этиб сайланди.

Жаҳон чемпионати таъёргарлик

Сентябрь ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионати таъёргарлик кўриш мақсадида Германия терма жамоаси вакиллари пойтахтимизга ташриф буюришди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуида ҳар икки мамлакатнинг кучли полвонлари иштирокида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Сақиз вазн тоифасида ўтган мurosасиз бахслар ўзбекистонлик полвонларнинг 5:3 ҳисобидаги галабаси билан якунланган бўлса-да германияликлар билан кечган беллашувлар ўзбек полвонлари учун осон кечмади. Хулоса ўрнида шунга айтиш жоизки, германиялик полвонлар 9 августга мамлакатимизда бўлишди, хали кўпгина полвонларимиз билан гиламга тушишди.


Фарҳоднинг рейтинг кўтарилиши

Профессионал боксининг WBA йўналишида айни кунларда тўққизинчи ўринда бораётган ҳамюрти Фарҳод Бакиров навбатдаги рейтинг жангини филиппинлик Цезар Агли билан ўтказди. Шунга таъкидлаш жоизки, 8 раунд давом этган беллашувда ҳамюртимизнинг устуниги яққол сезилиб турди. Чунки дастлаб оддий усулларда бошланган жанг кейинчалик кучли зарбалар билан ўтиб, бу борада ҳам маҳорат, ҳам чаққонлиги эпчиллик ҳамда рақибга аниқ зарбалар беришда ҳамюртимизнинг қўли баланд келди. Сўнгги раундда эса ҳолдан тойган филиппинлик чарм қўлқоп устаси Фарҳоддан кучли зарбаларни қабул қилишга мажбур бўлди ва очколар ҳисобида мағлубиятга учради.


Боксчиларимиз Украинада

Келгуси йили Грециянинг Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёзи Олимпиада ўйинларига йўллангани кўлга киритган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ҳозирда ўқув-машғулот йиғинларига жиддий эътибор қаратишган. Мақсад эса Афинадан совринли ўринлару шода-шода медаллар билан қайтиш. Кўни кеча Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бош мураббий Т. Гуломов бошчилигида таъёргарлик машғулотларини маромига етказиш мақсадида Украинага жўнаб кетишди. Боксчиларимиз Украинада 20 августга бўладилар.

Акбар Йўлдошев



Яна ўлкамизга катта футбол кўриб келди. Кўни кеча олий лига жамоалари мамлакат XII миллий чемпионати иккинчи давра ўйинларида иштирок этишди. Шуниси кувонарлики, яна футбол муҳлислари ҳаяжонга тула, мurosасиз ва қизиқарли учрашувларнинг гувоҳига айланади.



Аскиячиларимиз тарихидан

Бетакрор кулги усталари

Жўраҳон Султонов

Кўпчиликка маълум, Ўзбекистон шахр хофизини Жўраҳон Султонов машхур қизиқчи ва аскиячи Юсуфхон Шахржоновнинг истеъдодли шогирдларидан бири бўлиб, 1902 йил охирида Маргилонда туғилган. У 1935 йилгача Юсуфхон қизиқнинг концерт труппасида зимат қилиб, хофизлик ва аския айтиш сирларини яхши ўлаштириб олади. 1932 йили Тошкентга келиб яшай бошлади. Пойтахт театрлари ва истирохат боғларида мустақил хофизлик қилиб, аскиячиликни ҳам авж олдиради. Унинг труппасида Фанижон Тошматов, Маъмуржон Узоқов, бастакор, созанда Муҳаммадхон Мирзаев сингари санъаткорлар кўшиқ, куй ҳамда аския пайровларини олиб борардилар.

Фанижон Тошматов

Кулги муҳлислари бу ажойиб сўз устасини беш кўлдек яхши биладилар. Фанижон ака баркамол, серқирра санъаткор эдилар. Бастакорлик соҳасида яратган куй ва кўшиқлари кимни мафтун этмаган, дейсиз. Айниқса, аскиясеварлар уни такрорланмас кулги даргаси ҳисоблаб, пайров пайтида аскиячиларини йўлга солиб боровчи сифатида таъиндилар. Бир сўхбатда Фанижон ака шундай деган эдилар: «Хаётим кулгунинг ичида ўтди. Юсуфхон қизиқ, Эрка қори Карим ўғли, Жўраҳон Султонов, Охунжон қизиқ, Миршохид Мирқолиовлар билан бирга гурунглашиб, аския пайровлари сирларини ўлаштириб олганимдан гоъят хурсандман!»

Йўлнинг йўли

Жўраҳон — Бу сафар Фанижон ука, пойтахтимиз кўчалари, яъни йўллари тўғрисида пайров қилсам. Биламиз, Тошкент кулинг ўргилсин шаҳару, аммо баъзи кўчаларидан юриб қолсам, табииятим бироз хира бўлади-да! Тунов кўни Каттабоғ, Эшонгузар маҳаллаларига кириб борадиган «Ўзгарин» деган тор кўчадан юриб қолсам борми, тиззамгача лойга ботдим. Шундан кейин сизга ўхшаб **ЛОЙ** олиб, бизга **ЙЎЛ** қиладиганлардан ҳафсалам пир бўлди, холос!

Фанижон — Нега ундай дейсиз, Жўраҳон ака? Мен сиз айтган ишининг лойини чикарайдиганлардан эмасман. Бу гинангизини шаҳар ободонлаштириш бошлиғига қилинг! Сиз айтган лой яқинда ётқизилган асфальт тагидан чиққан лой. Қаранг, йўлчилар шунақа ЙЎЛ қилиб, сизни **БОШИ БЕРК**, яъни халта кўчага бошлашпти-да!
Жўраҳон — Саломат бўлинг, ука! Энди сизга бир насихатим бор: **Тўғри ЙЎЛ**дан юраман десангиз, баъзиларга ўхшаб, мени **БУ ЙЎЛЛАРГА** бошланг!

Барибир бир кун эмас бир кўни қўқинишингиз бор ахир!

Фанижон — Тўғри айтасиз, уста! Аммо Каттабоғ, Эшонгузар маҳалла райсаридан гинам зўр: йўл чеккаларида ариқчалар йўлқидан водопровод сувлари асфальтни ҳам **ЮВИБ** кетмоқда. Ҳовлилардан кўчага **ЖИЛГА** бўлиб оқётган оқавалар уюлиб турган ахлатлари оралаб, кўча хусининг бузмоқда. Айтинг-чи, уста! Ҳар кўни шу йўлдан юрадиганлар қўқинадими ёки сиз бир марта юриб **КОКИН**дингизми?

Жўраҳон — Билиб кўйинг, Фанижон! Камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб, танқид қилган киши қўқинамайди. Шаҳарнинг баъзи кўчалари борки, у жойлардан юрганда қўқинишларни кўрсангиз, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бугун бир кўчага асфальт ётқизса, «Сувсоз» бошқармасидагилар эртасига келиб бузиб, қувур ўтказиб кетадилар. Шаҳар телефон станциясидагилар эса асфальтни кўчириб, симёғочлар ўрнатадилар. Фанижон, келинг ука, икки оғиз қочириб қўйиб, шо-

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Ёшларнинг ёзги таътил кунларида бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида кўча оммавий спорт мусобақалари барча маҳаллаларда ўтказиб келинмоқда.

Жумладан кўни кеча Акмал Икромов туманидаги 75-мактабда «Камолот» ЁИХ туман бўлими бошчилигида кўча оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Футбол, волейбол, арқон тортиш, шахмат-шашка каби спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган мусобақада Шароф Рашидов ва «Қорёғди» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 80 дан ортиқ болажонлар иштирок этишди.

— Кўча оммавий спорт мусобақалари, ундаги қизиқарли беллашувлар барча болажонларга жуда маъқул бўлмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши раиси Азиз Эргашев. — Шунинг учун ҳам тумандаги 50' та маҳалланинг ҳар бирида мусобақаларни бири-бирдан қизиқарли, рангбаранг қилиб ўтказишга ҳаракат қилияпмиз. Чунки болажонларнинг ёзда, таътил кунларида зерикиб, турли кўнгилсиз ҳолисаларга ўралашиб қолишларининг олдини олиш, спортга қизиқишларини оширишда ўтказилаётган тадбирлар муҳим омил бўлмоқда.

Ҳар бир мусобақа якунида голиблар аниқланиб тақдирланмоқда, эсалик совғалари топширилмоқда. Болаларга бўлган эътибор, рағбат ва ишонч албатта уларни яхшиликка этаклаб, қалбларига эзгулик ниҳолни қадаши шубҳасиздир.

Шаҳноза ҒАНИЕВА

ядки улар бундан кейин бунақанги **НОМАЎКУЛ** йўлдан юрасинлар!

Фанижон — Бўлмаса, шаҳар кўчаларини ёритиш бошқармасига бориб, бизга **ЁКМАЯПСИЗЛАР**, фақат катта идораларга борадиган йўлларга чироқлар **ЁКИНЛАР**, деб айтаман.

Жўраҳон — Уларга, албатта, **ЁҚАДИ**-да! Фанижон, сизни ҳеч йўлга солиб бўлмаяпти-да! Шу вақтгача **ОҚТЕПА**га **БОРИШ** йўлини билмайсиз-а?

Фанижон — Ака, ўзингиз йўл кўрсатинг. Автобусга чиқиб амри маҳол, яна Оқтепага борадиган йўлинг **ОЧИК** деганингни ошкнча!

Жўраҳон — Ана трамвай! Таксида бориш шартми? Транспорт ишлари **ИЗГА** солинган дейсизми? Ундай эмас. Агар трамвай изидан қишса таксилар паст кўчалар **ОРАЛАБ** қолишсади. Қанийди, бунақанги асаббузарлик бўлмаса, йўлимиз **РАВОН** бўлармиди?!

Фанижон — Равон йўллар ҳам аста-секин кўпайпти, уста! Бориб кўринг, шаҳарнинг халқа йўли яқинидаги «Қурбақабод»ни аҳолига улаштира эрига тақсимлашганди. Қурбақалар вақир-вуқури тугаб, ажойиб йўллар пайдо бўлган. Йўл курса бўларкан-ку! Бирок, йўл қуврувчлар «Йўл тузатиляпти!» деган белги-тўсиқни қўйишиб, ишни кетга **ЧУЗИШЯПТИ**-да!

Жўраҳон — Фанижон, етар энди, **ЙЎЛМА-ЙЎЛ** юравериб, чарчадик. Келинг, дам олайлик. Яна бир учрашганимизда кетга чўзарлар айтадиган **АШУЛА ЙЎЛ**дан юрамиз.

Фанижон — Жўраҳон ака, минг қилса ҳам устасиз-да, **ЙЎЛИНГИЗИНИ КЎПЛИГИНИ** қаранг!

Жўраҳон — Саломат бўлинг, Фанижон ука! Нима қилса ҳам шогирдимсиз-да, доим сизга айтаман, **ЯХШИ ЙЎЛДАН ЮРИНГ**, деб. Бу **ЙЎЛДА** ҳамisha сизга омад ёр бўлаверсин!

ЭСЛАТМА: Сиз танишган юқоридаги аския бундан қирқ беш йил илгариги йўллар тўғрисида айтилган пайровдан иборат эди. Ҳозирги кунда шаҳримиз қўёфа саниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги ичида асрларга тенг ободонлаштириш ишлари қилинди, равон ва замонавий йўлларимиз, кўчаларимиздан юрган кишининг дили яйрайди. Айниқса, бу йилги **ОБОД МАҲАЛЛА** йилда қилинадиган ишларда яна катта ўзгаришлар бўлиши аниқ!

Олим КўЧҚОРБЕКОВ таъёрлади.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИМОВ
Домо бўлиб...

● Ёшлигинда шундай яшагинки, кексайиб чорасиз қолганинда бахтли бўл.

● Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича ниманидир яратишга ҳаракат қил. Уйингни ўт олгандан кейин қудуқ қазишингдан нима фойда.

● Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.

● Кексалик донолик билан уйғунашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

● Темир қалъани ёшлар қилич ишлатиб йикитсалар, қариялар фикр билан ағдардилар.

ХИКОЯТ. Бир ҳақимдан сўрабдилар:

— Сен учун энг улғу киши ким?
— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улғу кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қариялардир.

Байт:
Бўйин товлама кекса
тадбиридан,
Қарияларда бор тақриб,
фиқру фан.

● Мехнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашинг урта ширин меваси бор. Биринчиси, тан саломатлиги, иккинчиси кўнгил роҳати, учинчиси ақл ва зеҳннинг ортишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг. Бугунги ишни эртанга қолдирманг, фурсатни бой берманг.

● Мехнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Мехнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялқовлик, ишсизлик фалокат гирдобига ташлайди.

● Мехнатинг — зийнатинг.
ХИКОЯТ. Қадимги юнон доғишмандларидан Афлотун ҳақим айтди:

— Мен фидокорона қилинган роҳатни бошқа бирор нарсадан кўрмадим. Вужудининг саломатлиги, рўҳининг саодатини фақат мехнатдан топдим.

Байт:
Мехнат ила ҳал бўлади
ҳар мушкул,
Комидил мехнат ила бўлғай
ҳосил.

● Инсоннинг энг гўзал фазилати — унинг одобиди. Ҳусн — ҳусн эмас, одоб ҳусн, у ҳеч қачон қаримай абдий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

● Ширин сўз — одобли кишининг энг зарур қуролдир. Ачқик сўзлар айтиб дилларни шикастлаш нодонлик белгисидир.

● Одобли инсон дўстликни зардек қадрлайди, зеро қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бирига бирикканда филни ҳам банди қилиб қўяди.

ХИКОЯТ. Бир қанча фозиллар Афлотунга шундай савол беришибдилар:

— Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг?

— Дushmanларимга, — дебди у, — ҳаммага маълумки, ақли, одобли одам ёвузликдан қочади. Аҳмоқларни эса бемаъни ишдан сира қайтариб бўлмайди.

Байт:
Ақл улғуликка этади пайванд,
Ақлсизнинг доим оёғида банд.

Қилмиш-қидирмиш

Ўғлининг олис юртга жўнаб кетганидан бўён анчагина муддат ўтган бўлсада, ҳеч бир хат-хабар келмаётганидан хавотирга тушган отаонга кўнглидан ўтаётган турфа хил халлар тинчлик бермай қўйди. Ахир ҳар қандай ота-онанинг уйдан кўчага чиққан фарзандини ўйлаб қанчалик изтироб чекишлиги ўзларига ва ёлғиз яратганга аён.

Отаон ўғлини чет элга ишлаш учун кузатган эди. Аммо ҳанузгача фарзандидан дом-дарак йўқ. Балки сим қоқиб қолар, деган умидда телефон атрофидан ҳам бир лаҳза сийлжнмай қолди. Хуллас, ўйлаб-ўйлаб бир тўхтамак келган отаон ўғлини жўнатиш олдидан зарур ҳужжатлар ҳозирлашдан тўтиб, то самолёт чиптасигача тайёр қилиб, олиб берган кишилар ҳузурига ошиқди. Унинг назаридида гўё беминнат ёрдам кўлини чўзган, хушмуомалада бўлган ва бор имконлари қадар қумаклашган одамлардан албатта бирон ўринли маълумот ёки тайинли бир гап эшитиш мумкин эди. Шу зайл бораркан, нима бўлганда ҳам бегона юрт, янги иш жойининг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари бордир, балки, ўғлим, ҳамон машо ололмай пулга зориқиб, қийналиб юргандир, атрофдагилар ҳам ўзлари билан ўзлари овора бўлса, бунинг устига миллати ҳам, тиллари ҳам бошқа. Майли, бир гапларига қалоқ тутиб, маслаҳатлашиб кўрайчи, сўнгра бироз пул юбормоқчи эканлигини ҳам айтман, деган ўй-фикрлар отаоннинг миёсини чулғаб олган эди. Шу зайл амал-тақал қилиб, йиққан пулларига бир қариқдошидан қарзга олган пулларни ҳам қўйди-ю нақд 450 минг сўмини белбоғига туққанча йўлга чиққанди.

Кутилмаганда ташриф буюрган отаон «халис хизматчиларга унчалик нотаниш эмас эди. Чунки, ўғли О. Усмоновни чет элга жўнатиш арасида ана шу отаон аввалига ҳамир учидан патир тариқасида уч юз минг сўм, ҳамма масала ҳал қилинганча, яна нақд икки миллион етти юз минг сўм пулларни олиб келиб берган эди.

Бугун ҳам бу «жиддий» одамлар кўнгли безовта чолни диққат билан тингладилар ва маълум сабабларга кўра шундай ҳол вужудга келгандир, аммо эрта-индин ўша ёқдан бизнинг бир вакилимиз учиб келади, у албатта ўғлингиздан хабар келтиради, деган қуруқ ваъдаларни қаторлаштириб, ўз оёғи билан келган халиги 450 минг сўм пулни қуртдай санаб олиб қолдилар. Уларнинг «бу пулларни ҳам долларга айлан-тириб, ўғлингизга етказамиз» деган сўзлари аслида уйдирма эканлигини содда ота қайқдан ҳам билсин!

Аслида фарибгарликни касб қилиб олган бу товламачилар учун ишонувчан содда одамлар кўнини пуч ёнғоққа тўлдириб, пул-маблагларини шилиб

олиш одатий ҳолга айланиб қолганди. Отаон сўнги бор олиб келиб берган пуллар эса улар учун арзимас эди. Улар учун бу арзимас пуллар фақатгина қунчалик майда-чўйда аҳтиёжларга ярарди, холос. Ваҳоланки, уларнинг амалга ошираётган пухта режалари самарали яқун топиб, натижада мўмай даромад келтираётганди. Хўш бу фарибгарлар аслида кимлар эди? Улар туфайли қанчадан-қанча фуқаролар мол-мулкларини сотиб, қарз ҳавола қилиб, йиққан пул-маблагларини фарибгарлар қўлларига тутқазиб юборишган. Айримларининг ҳатто, хорижий юртларда сарсон-саргардон, ночор юрганиликларини эшитиб, хайратдан ёқа ушлайсиз. Ушбу фарибгарларнинг миқдорларига айланган кўпчилик кишилар барча керакли ҳужжатларни тахт этиб, самолётга чипта олишгача «иш» етиб кел-

ган бир неча миқозлар тўсатдан гойиб бўлиб қолган фарибгарларни қидириш билан овора бўлиб қолаверганлар.

Хуллас, фарибгарликда устаси фаранг бўлиб кетган А. Жавед ва унинг икки гўмаштаси фаолиятларига ҳозирда ҳеч қўйилди. Отаон сингари ўз жигарбандларининг тақдирдан хавотирланган кўпчилик юртдошларимиз, жабрланувчилар ва қатор гувоҳларнинг берган маълумотлари асосида ушбу жиноятчилар милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Маълум бўлишича, ўша биргина Германия давлатининг Франкфурт шаҳрида турар жой, ойига 1500 АҚШ доллари миқдоридида машо тўланадиган ишларни ваъда қилган фарибгарларнинг найрангларига лаққа тушиб Б. Вафоев, С. Аҳмедов, Ш. Исмолов исмли фуқароларимиз ва бошқаларнинг ҳар бири ўртача 3000 АҚШ доллари миқдоридида пул тутқазганлари бироқ ўзлари бегона юрт тупроғида ночор аҳволга тушиб қолаверишган.

Ф. Олимов деган юртдошимиз ҳам амал-тақал қилиб йиққан 1500 АҚШ долларини қўшқўллаб А. Жаведнинг сўзларига ишониб топширди. Ваъда қилинган кун келгач, у ҳам самолётда айнан ўша Франкфурт шаҳрига учди. Самолётдан тушиб, А. Жаведнинг айтган гаплари ёлғон эканлигига амин бўлди. Чунки, уни ҳеч ким аэропортда қутиб олмайди. Шундан сўнг, вазиятни тўғри талқин қилган Ф. Олимов фурсатни бой бермай, чўнтагидаги қолган пулларига ортга қайтиш учун дарҳол чипта сотиб олди. Юртга қайтиб, Ички ишлар идорасига келиб, бўлган воқеа тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

О. Дадамўхамедов ва Т. Худойбердиевлар эса А. Жавед билан унинг шериклари айтган барча пулларини ўз вақтида олиб келган бўлса-да, лекин уларга самолёт чиптасини кўриш ҳам насиб этмади.

Чунки, фарибгарлар «сизларнинг барча зарур ҳужжатларингиз тайёр бўлди, энди ҳисоб-китобларни жойига қўйиб олсан, эрталаб ўзимиз, уйларингизга ҳужжатлар билан йўл чипталарини олиб борамиз», дея келтирилган пулларни чўнтакларига уришган. Сафарга отланган қўшбу фуқароларимизнинг кутавериб, қўзлари тўрт бўлиб алдиниб қолаверишган.

Мақоламиз сўнггида, бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун фуқароларимиз бирон-бир қарорга келишлари аввалида, чуқур мулоҳаза юритишлари, айниса, чет эл давлатларига ишлаш учун юбориш ёки бу каби масалаларни ҳал этиш тегишли давлат ташкилотларининг зиммасига юклатилганлигини ҳам таъкидламоқчи эдик.

Самарқиндин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази ходими

ФИРИБГАРЛАР
ҚЎЛГА ТУШДИ

ганида, ўша сохта фирма вакилларининг кутилмаганда гойиб бўлганидан хангу манг қотиб, бошларини чангаллаб, кўз ёш тўкиб қолганликларини қандай баҳолаш мумкин? Ахир уларнинг қанча вақтлари ва пул харажатлари энди ҳавога учди-ку!

Шаҳримиздаги «Тара» меҳмонхонасида яшashi қайд этилган бўлса-да, аммо асосан Чилонзор тумани ҳудудидаги уйларнинг бирида ижарада вақтинча истиқомат қилган бу чет эллик «уддабурун»ларнинг ҳозирги кунда қилмишлари тўла-тўқис фош этилди.

А. Жавед исмли шахс раҳнамолик қилган гуруҳ аъзолари М. Тоҳир билан Р. Муҳаммадлар унинг чизган чизигидан бир қадам четта чиқмасдан, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари бўйича иш тутиб, топшириқларини бажарганлар.

Тузимиэни еб, сувимиэни ичиб, аммо конуларимиэни оёқости қилишгача бориб етган бу фарибгарларнинг содир этган жинойи ҳаракатлари кишини қаттиқ таажубга солади. Жинойи гуруҳ аъзолари кингир режаларини амалга ошириш мобайнида мамлакатимизда мавжуд тартиб-қоидаларга ҳурматсизлик қилганлар. Хорижий фуқароларнинг рўйхатдан ўтиши, паспорт тизими қоидаларини кўпол тарзда бузиб келганлар. Ўзларига паноҳ қилиб олган, аслида фаолияти тўхтатилган сохта фирмалар номидан ҳамда ҳамотовоклик қилган айрим мансабдор шахслар ёрдамида чет элда ишлаб келиш иштиёқидида бўлган соддадил одамларга қонунга қилоф раввида қалбаки ҳужжатларни расмийлаштирганлар. Юқориди айтиб ўтганимиздек, оқибатда, амаллаб хорижга етиб олган кўпгина фуқароларимиз ўза юртларда ҳеч қанақа иш, ҳеч қандай бошпана билан таъминланмай пулсиз, маблагсиз, ночор аҳволда қолиб кетганлар. Алданганликларини жўнаб кетиш арасида сезиб қол-



Абдурусул Ҳақимов чизган расм.

«Тошкент оқшоми»
Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилмиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

«Агротехизмат-ММТП» акциядорлик жамиятини «Агротехизмат-ММТП» масъулияти чекланган жамиятга айлантириш муносабати билан давво аризалар 1 ой муддат ичиди 144-05-42 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармасининг касба уюшмаси ва ишчи хизматчилар жамоаси, бошқарма бошлиги Бахтиёр Акбаровни МАМАДАЛИЕВНИНГ онаси **Мавжуда ҳожи она Зайнитдин ҳожи қизи МАМАДАЛИЕВНИНГ** вафот этганилиги муносабати билан марҳуманинг яқинлари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади

Бош муҳаррир
АкмаЛ АҚРОМОВ
Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.
Ҳақим — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4204 нусхада босилади. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашриет етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтанига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмохонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.